Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 300 (13.256).
24 ДЕКАБРЬ
1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1965 йил 23 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIX пленуми бўлди. Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги Давлат плани тўғрисида (докладчи — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР План комитетининг раиси ўртоқ С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВ).

2. Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги Давлат бюджети тўғрисида (докладчи — Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. М. МУРОДХЎЖАЕВ).

3. Партия-давлат контроли органларини қайта тузиш тўғрисида.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. ПОНОМАРЕВ, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Қ. ҚЎҚОНБОЕВ, Сирдарё область партия комитетининг иккинчи секретари П. И. СОКОЛОВ, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. УСМОНОВ, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. ИБРОҲИМОВ, Андижон область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. И. СКОРОБОГАТОВ, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари С. А. АСОМОВ, Фарғона область партия комитетининг секретари Х. ЗОКИРОВ, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. КУЗЬМИН ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

ҚУВОНЧЛИ ХАБАРЛАР

БИНОКОРЛАР ЗАФАРИ

«Голодностепстрой» бошлиғи Эҳсон Низомов етти йилликнинг охирги йилида амалга оширилган ишлар ҳақида телефон орқали редакцияга қуйидагиларни маълум қилди:

— Ҳозиргача қарийб 55 миллион сўмлик иш бажарилди. Йил охиригача яна 2,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилади. Бу йил Мирзачўлда биринчи марта янги пахта тозалаш заводи барпо қилинди. Г. Титов номли 6-совхозда бунёд этилган бу корхона йилига 33 минг тонна пахтани даслабки ишловдан чиқариш қувватига эга. Шунингдек, биринчи совхоз территориясида катта пахта тайёрлаш пункти тикланди. 17-совхозда 7000 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қуритиш-тозалаш цехи барпо қилинди. «Пахтакор» станциясида ҳар сменада 200 тонна маҳсулот тайёрлай оладиган асфальт бетон заводи ишга туширилди.

Ҳовли тўйлари тобора кўпаймоқда. Шу йилнинг уч кварталида 68216 квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. Бу, ўтган йилнинг 12 ойида қурилганига тенгдир. Йил охиригача яна камида 23000 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Маданий-маиший корхоналар қурилиши кенгаймоқда. 2116 ўринли уч мактаб, 590 ўринли бешта мактабгача болалар муассасалари, биринчи совхозда катта новвойхона ва бошқа объектлар қурилди.

Янги ерларни ўзлаштириш, уларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш соҳасида эришилган ютуқлар ҳам қувонарли. 9 ой мобайнида 15 минг гектарга яқин янги ер ўзлаштирилди. «Голодностепстрой» чўлқувварлари СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС кўчма Қизил байрогини тўртинчи кварталда ҳам қўлда сақлаб қолиш учун кураш мусобақасини авж олдирмоқдалар.

ИЖОДКОР ИШЧИЛАР

Расул Абдураҳмонов корхонанинг сергайрат ишчиларидан. У ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва машина-ускуналар қувватидан самаралироқ фойдаланиш учун курашда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Рационализаторлик таклифлари билан корхонада маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшяпти.

Андижон областидаги «Гулбоғ» пахта тозалаш заводида бундай илғор ва ижодкор ишчилар жуда кўп. Ўртоқ В. Миртов шу йилнинг ўзида 5 та таклиф берди. Ўртоқ В. Гаяткиннинг тўртта қимматли таклифи жорий этилди. Ижодкорлик таклифларини жорий этиш корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон бермоқда. Йиллик план муддатидан илгари адо этилди. Пландаги 4585 тонна ўрнига 5135 тонна тола тайёрланди. Планга қўшимча 76 тонна линт ишлаб чиқарилди.

Б. МАҲМУДОВ.

МУЗЛАТИШ ФАБРИКАСИ

Фарғона водийсида энг йирик холодильникнинг иккинчи навбати қуриб битказилди. Эндиликда холодильник камералари бир вақтнинг ўзида 2500 тонна гўшт, балиқ ва сут маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш учун қабул қила олади.

Янги музлатиш фабрикаси қудратли компрессорлар билан жиҳозланган. Маҳсулотларни камераларга ташиш ва юк тушириш ишлари механизациялаштирилган.

КОЛХОЗ 1200 ТОННА СУТ ТОПШИРДИ

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози давлатга 1200 тонна сут топшириб, йиллик планни ортиғи билан бажарди. Сут топшириш давом этмоқда.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

Озод элнинг, ҳур республикалар иттифоқининг абадий бахт қучган халқи ўз мамлакатининг, ўз битмас-туганмас бойлигининг, зумрад ерларининг бирдан бир хўжайинидир. Социалистик тузум бахш этган энг эркин, энг адолатли, энг афзал ҳуқуқлар, устунликлар совет халқига абадий ёр, умрбод йўлдошдир. Бизнинг халқ контроли системамиз ҳам ана шу ҳуқуқларнинг тоят изчил белгиларидан бири, чинакам демократик, чинакам халқчил системадир.

Меҳнаткашлар оммасининг контроли катта мақсадларни кўзда тутади. Унинг бутун йўналиши партия, давлат, халқ, Ватан манфаатларига қаратилгандир. Мамлакатнинг хўжалик ҳаётига, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳасига, давлат аппарати фаолиятига татбиқ қилинувчи бу контроль энг демократик асосларга қурилгандир. Бундан уч йил муқаддам ташкил топган партия-давлат контроли органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳал этаборишда ҳақиқатан ҳам катта роль ўйнадилар. Улар жамиятнинг ҳамма ишларини бошқаришга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этишда, экономикамизнинг, давлат ва хўжалик аппаратимизнинг ишини такомиллаштиришда, коммунистлар ва партиясизлар оммасини контроль ишларида кенг иштирок этишларини таъминлашда, партия ва ҳукумат қарорларининг ижросини текширишда анча иш қилдилар ва кўп тажриба тўпладилар.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми жамоат контролининг ленинча принципларини янада ривожлантириш, мавжуд контроль системасини тағин ҳам такомиллаштириш, социалистик демократияни бутун чоралар билан ривожлантиришни назар-эътиборда тутиб, партия-давлат контролини халқ контроли системасига айлантиришни зарур деб ҳисоблади. Пленум бу масалани ҳал этишда В. И. Ленинннинг социалистик давлатда контроль системаси олдида бир мақсад турибди, бу «мақсад меҳнаткашлар оммасининг ҲАММАСИНИ, эркакларни ҳам, АЙНИҚСА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҳам ишчи-деҳқон инспекциясида қатнаштириш» деган нўрсатмаларига амал қилди. Пленум умумхалқ контролининг вазифасини тавсифлаб, бундай деб кўрсатди: «БУ ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИ ХАЛҚ ОММАСИНИ ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ТАҒИН ҲАМ КЕНГРОҚ ЖАЛБ ЭТИШДА, СОВЕТ, ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ ДИРЕКТИВАЛАРИНИ ҚАНДАЙ БАЖАРАЕТГАНЛИКЛАРИНИ СИСТЕМАТИК СУРАТДА ТЕКШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШДА, ДАВЛАТ ИНТИЗОМИНИ ВА СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТНИНГ ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ».

Кеча — 23 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми ҳам шу масала юзасидан чиқарилган КПСС МК Декабрь Пленумининг қарорини бирдамлик билан маъқуллади.

Яқинда халқ контроллари ваколат муддатларининг тугалланиши муносабати билан буларнинг ўринлари янги кучлар билан тўлдирилди. Республикамизда халқ контролерлари составида 207 мингдан кўпроқ киши бор. Булар соноат ва колхоз ишлаб чиқаришининг новаторлари, совет интеллигенциясининг энг яхши намояндалари, коммунист ва партиясиз кишилардир. Уз бурчларини чуқур англаб, контроль ўрнатишнинг ибратли намуналарини кўрсатаётган, бу ишга эътиқод ва муҳаббат қўйиб ишлаётган халқ назоратчилари ҳақиқатан ҳам омманинг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлмоқдалар, партия ташкилотларининг энг чаққон, зийрак, ғайратли ва ишчан ёрдамчилари сифатида ўз қобилиятларини намоён қилмоқдалар, Самарқанд, Наманган, Андижон, Тошкент шаҳарлари, Янгиер, Охунбобоев, Шаҳрисабз, Янгиариқ ва бошқа районлардаги юзлаб контролерларнинг меҳнаткашлар ўртасида севиб қолинганлиги, обрў ва эътибор қозонганликлари бежиз эмас. Улар контролнинг оммавий характерга эга бўлган рейдлар, ўзаро текширишлар ўтказиш йўли билан партия ва совет ташкилотларига турли соҳалардаги ишларни яхшилашда, партия ва ҳукумат директивларининг ижроси учун курашда актив ёрдам бермоқдалар.

Халқ контроли ўз ташкилий принципларига жиҳатидан давлатни бошқаришда жамоатчилик асосларини бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг энг кучли, энг оммавий, энг изчил ва конкрет формасидир. Демак, контролнинг бу формасини ҳар тарафлама ривожлантириш, унинг мазмунини бойитиш ва таъсир доирасини кучайтириш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ҳар бир меҳнат кишиси жамиятимизнинг ҳилма-хил, беқиёс кенг, сермазмун ҳаётига қизиқади, истиқболга ишонч ва муҳаббат билан боқади, партия ва давлат қурилишининг ҳамма звеноларида, хўжалик ва маданий фронтнинг бутун соҳаларида ишнинг яхши боришидан тамомила манфаатдор эканлигини чуқур ҳис қилади. Бас, шундай экан халқ, ҳар бир ватанпарвар қайси соҳада бўлмасин хато ва нуқсонларнинг юз беришига ёки унинг амалий ишимизга салгина бўлса ҳам зарар етказишига сира бефарқ қарай олмаймиз. Худди шу фикрнинг ўзи коллектив манфаатлари учун, умум мақсад учун совет кишисининг қанчалик жон куйдириши, қайғуриши, чуқур масъулият ҳис қилишини равшан нўрсатиб турибди. Аслини олганда халқ контроли ишларида минг-минглаб кишиларнинг жон куйдириб, садоқат билан ишлаётганликларининг боиси ҳам шунда.

Оммавий текширишлар давомида нуқсонларни, етишмовчиликларни, ҳодимлар фаолиятида учрайдиган хато ва камчиликларни очиб ташлаш ишнинг бир томони. Иккинчи томони, яъни энг муҳими хатонинг олдини олиш, аҳволни яхшилаш учун ходимларга сидқидилдан дўстона, ўртоқларча ёрдам бериш-дир. Айрим ходимларнинг баъзан билиб ёки билмасдан қилиб қўйган янглиш ҳаракатларини бўрттириб, қилдан қийиқ топиб, ошириб-тошириб кўрсатиш ҳолларига йўл қўйиш ярамайди. Ҳар қандай контроль ва текшириш объектив бўлиши шарт. Халқ контролининг асосий мақсади одамларни тарбиялашда партия ташкилотларига ёрдам беришдир. Кишиларни турли янглиш ва камчиликлардан сақлаб қолиш, ходимларнинг ўз ишларини муваффақиятли олиб боришларида уларга яқиндан ёрдам бериш контроль органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Масаланинг янги бир жиҳатига катта эътибор бериш зарур. У ҳам бўлса хато ва камчиликларни сира кечикмай ўз вақтида очиб ташлашдир. Камчиликлардан кўз юмиш ёки хаспўшлаб кетиш энг хавфли ва зарарли ҳаракатдир. Бизнинг партиямиз барча коммунистларни, ҳамма меҳнаткашларни хато ва нуқсонларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида, танқид, ўз-ўзини танқидни ҳар жиҳатдан ривожлантириш руҳида тарбияламоқда.

Модомики, халқ контроли оммавий характерга эга экан, бу соҳага янги кишиларнинг келиб қўшилиши табиий бир ҳол. Шу муносабат билан партия ташкилотлари контроль ишларига жалб этилган кишиларга, группа ва пост аъзоларига энг яқиндан ёрдам беришлари, уларга контроль қилишнинг метод ва усулларини, ишрони текшириш йўлларини қунт билан ўргатишлари зарур.

Совет халқи КПССнинг навбатдаги XXIII съездига ғайрат ва шижоатга тўлган ҳолда, ўз яратувчилик меҳнати билан социалистик экономиканы юксалтиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришган ҳолда бормоқда. Бизнинг умумий халқ контролимиз ана шу яратувчилик ишларида қудратли восита сифатида ҳаракат қилаверади партиянинг энг ўткир, энг сезгир ёрдамчилари сифатида социалистик демократияни янада ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилаверади.



Қашқадарё областида Пачкамар сув омбори қурилмоқда. 280 миллион кубометр ҳажмда сув сиғдира олиш қувватига эга бўладиган бу денгиз ғузордарёда бунёд этилмоқда. Сув омбори қурувчилари партия XXIII съезди очилиши кунига сув қуйиш иншоотини тугаллаш мамбурнятини олганлар. Суратда: сув омбори қурилишида.

Б. Мазур фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 19 декабрда бўлиб ўтган республикадаги район (шаҳар) халқ судларига халқ судьяларини сайлаш якунларини қараб чиқди.

Сайлов кампанияси ҳамма босқичларда Ўзбекистон ССР конституциясига ва сайлов низомига тўла мувофиқ суратда ўтказилганлиги аниқланди. Сайловга тайёргарлик халқ судлари фаолиятида демократик асосларни янада ривожлантиришга ёрдам берди, меҳнаткашларнинг кенг оммасини давлат ишларини бошқаришга яна ҳам кўпроқ жалб этиш имконини туғдирди. Шу даврда халқ судьяларининг кўпчилиги сайловчилар олдида ҳисобот бердилар, совет қонунларини пропаганда қилиш, халқ маслаҳатчилари билан ишлаш кучайтириб юборилди.

Сайлов ҳамма жойда аҳолининг зўр сиёсий активлиги вазиятида ўтди. Сайловда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 99,96 проценти қатнашди. Сайлов бюллетенларини олган сайловчиларнинг 99,75 проценти овоз бериш учун кўрсатилган номзодлар учун ўз овозларини берди.

Ўзбекистон ССР бўйича яширин овоз бериш йўли билан жами 192 халқ судьяси сайланди. Бу судьялар орасида хотин-қизлар 39 киши, ёки 20,3 процент, 178 киши олий юридик маълумотлидир. Сайланган судьяларнинг кўпчилиги суд органларида ишлаш соҳасида катта тажрибага эга.

Олий Совет Президиуми шу мажлиснинг ўзида район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳузурида ишлаб турган маъмурий комиссияларнинг иши тўғрисида Фарғона область ижроия комитетининг ахборотини ҳам муҳокама қилди. Ана шу комиссияларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тадбирлар белгиланди. (ЎзТАГ).

ВЦСПСНИНГ САККИЗИНЧИ ПЛЕНУМИ

МОСКВА, 23 декабрь. (ТАСС). Бугун ВЦСПСнинг саккизинчи пленуми очилди. Пленум кун тартибида — ёшлар ўртасидаги тарбиявий ишларни кучайтириш ва социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашда касаба союзларининг вазифалари тўғрисидаги масала қўйилган. ВЦСПС секретари Т. Н. Николаева доклад қилди.

Пленум совет касаба союзлари делегациясининг Вьетнам Демократик Республикасига қилган сафари якунлари ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Ефремов қатнашмоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўртоқ Ле Тхань Нгини қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 22 декабрда Вьетнам Меҳнат партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси Бош министрининг ўринбосари ўртоқ Ле Тхань Нгини қабул қилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ Ле Тхань Нги ўртасида суҳбат бўлди.

Суҳбат вақтида Вьетнам Демократик Республикаси ташқи савдо министрининг ўринбосари ўртоқ Нгием Ба Дик ва Вьетнам Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси ўртоқ Нгуен Ван Кинь ҳозир бўлдилар.

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати Финляндия Республикаси президенти Урхо Калева Кекконен шарафига 22 декабрда Катта Кремль саройида нонушта зиёфати бердилар.

Зиёфатда дўст мамлакат бошлиғи билан бирга Финляндиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Йорма Ванамо, Финляндия элчихонасининг дипломатия ходимлари ҳам бор эди.

Совет томонидан зиёфатда Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Гришин ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ—ФИНЛЯНДИЯ АХБОРОТИ

Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калева Кекконен СССР ҳукуматининг таклифига биноан, 20 декабрдан 22 декабргача ғайри расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди.

Визит вақтида Совет раҳбарлари билан Финляндия Республикаси президенти ўртасида бир неча марта суҳбатлар бўлиб ўтди.

Суҳбатларда Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Совет Иттифоқининг Финляндиядаги элчиси А. Е. Ковалев қатнашдилар.

Финляндия томонидан суҳбатларда Финляндиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Йорма Ванамо иштирок этди.

Самимий, дўстона суҳбатлар вақтида Совет — Финляндия муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалалари устида, шунингдек халқаро сиёсат масалалари устида, шу жумладан Европадаги аҳволга таллуқли масалалар устида ошкора фикрлашиб олинди.

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калева Кекконенни ўзи учун қулай фурсатда расмий визит билан Совет Иттифоқига ташриф этишга таклиф қилдилар. Президент Кекконен бу таклифни миннатдорчилик билан қабул қилди. Визит вақти кейинчалик келишиб олинади.

Финляндия Республикасининг президенти СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни Финляндияга ташриф этишга таклиф қилди. Бу таклифлар миннатдорчилик билан қабул қилинди. Визитларнинг вақти кейинчалик келишиб олинади.

Томонлар Совет — Финляндия сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларини бундан бўён ҳам ҳар тарафлама ривожлантиришга тайёр эканликларини ва шундай қилишга маҳкам бел боғлаганликларини билдирдилар.

Иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш масалалари устида фикрлашув вақтида томонлар Финляндияга нефть маҳсулотларини, чунончи дизель ёқилғиси билан мазутни қўшимча сотиш ҳақида аҳдлашиб олдилар. Совет Иттифоқи Финляндиядан қўшимча миқдорда тухум, пишлоқ, пойафзал ва трикотаж буюмлар харид қилади.

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси бугун эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

Депутатлар эрталаб соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун эрталаб соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

БАХТИ ЁРЛАР

Бу йилги куз нақадар тароватли, зебо. У айниқса деҳқонларимизга кулиб боқди. Заршунос «оқ олтин» ижодкорлари ҳалол меҳнатлари билан тоғ-тоғ хирмонлар бунёд этишди. Унда Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз мирзакорларининг ҳам ўз улуши бор. Колхоз аъзолари республикада биринчилар қатори планни бажариб, биринчи, иккинчи, учинчи мажбуриятларини ҳам ошиғи билан адо этишди. Йиллик план 140 процентдан ортиб кетди.

Колхоз раиси Ҳасанбой Эргашев ва партком Шерқул Алиқулов билан катта йўлга чиқдик. Бир оз юргандан сўнг ўнг қўлга бурилдик. Кўз олдимизда кенг дала намоён бўлди. Узоқ-узоқлардан тракторларнинг янгроқ овози қулоққа чалинади. Улар олдидаги фаралар тун қўйнини ёриб, олға интилади. Жўн ариқдан сакраб ўтдикда яқинроқдаги трактор томон бордик. Фара ёруғида бизни кўрган тракторчи «от»нинг «тизгин»ини тортди.

— Ҳормант Абдуғани, — сўрашди колхоз раиси Ҳасанбой Эргашев.

— Саломат бўлинглар,— деди трактордан ирғиб тушаркан механизатор, — келинглар.

Қўллар! Меҳнаткаш қўллар. Яқин-яқинларда гектаридан 8 центнердан ҳосил олинган ерлардан 30 центнердан ҳосил олган шу қадоқ, забардаст қўллар эмасми.

Бир оз гаплашиб тургач, иш тиғиз дегандек хайрлашиб йигит кабинага кирди.

Тракторнинг тариллаган овози фикримни бўлди. Палахсапалахса ағдарилаётган ер фара нурида қора бахмални эслатарди.

Чўнтакдан қўл фонарини олиб ёққан партком, темир линейкасини ерга суқди. 33 сантиметр. Қойил!

— Бу йигит Абдуғани Мамаюсупов бўлади, — деди раис,— жуда абжир, ишбилармон. Билмаган ҳунари йўқ, механизациялашган звенога раҳбарлик қилади. 50 гектар ери бор. Кези келса сув таради, трактор минди. Натижа ёмон бўлмади, ҳар гектар ердан 25,5 центнердан ҳосил кўтарди. «ХТ-1,2» машинаси билан 90 тоннага яқин «оқ олтин» терди, азамат. Звено аъзолари жами бўлиб 170 тонна дурдона топширишди.

Далалар жамоли ўзгача. Меҳнат завқидан ҳузур қиласан, киши. Аста одимлаб боряпмиз. Парткомдан коммунистлар ҳақида ҳикоя қилишни сўрадим.

— Колхозимизда 63 коммунист бор. Ҳамма бригадаларга коммунистлар бошчилик қилади. Биргина Мамат Юсупалиев бригадаси 149 гектар ерга чигит экиб, 33 центнердан ошириб хирмон кўтарди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Коммунистлар ҳар бир ишда етакчи бўляпти, акс ҳолда бундан 3-4 йил аввал гектаридан 7-8 центнердан ошириб ҳосил олинмаган жойлардан, ҳозирги кунда 25 центнердан «оқ олтин» олармидик, — гурурланиб гапиради раис. — 15 иш кунида планни бажардик. Бу ҳазилакам гап эмас. Далаларимизда 45 та «зангори кема» ишлади. Уларнинг пўлат этакларидан 2 минг тоннадан зиёд пахта тўкилди. Омон Муродов, Мамирқул Қодиров, Абирали Нурматов каби коммунист-механизаторларимиз жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди.

Ғам билан бўлиб қишлоққа кириб келганимизни сезмай қолибмиз. Кенг асфальт йўлдан машиналар гизиллаб ўтиб турибди. Йўлнинг икки четида оппоқ уйлар.

Колхоз идорасига кириб келдик. Соддагина кабинетда суҳбат давом этди. 1962 йилда ҳар бир иш куни эвазига 1 сўм 40 тийиндан пул тўланган бўлса, бу йил 5 сўмдан ошириб пул тўлаш мўлжалланяпти. Ҳарид нархларини ошириш тўғрисидаги қарор туфайли колхоз бу йил 200 минг сўмдан ортиқ даромад олади. Бу колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада оширади.

Колхоз қандай қилиб қолоқликдан чиқиб олди? Аваллари ернинг қадрига етишмас, илғор агротехника ютуқлари яхши қўлланилмас, механизация кучидан унумли фойдаланилмас эди. Йўл-йўриқлар қидирилди. Кадрлар жой-жойига қўйилди. Айниқса коммунистларга энг оғир участкалар юклатилди. Изланганга толе ёр деганларидек 3-4 йил ичида колхоз қаддини ростлаб илғорлар қаторига ўтиб олди.

Ҳозирги кунда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти шудгорлаш ишларини намунали тугаллаб барча чора-тадбирларни кўрянти. Ремонтчилар учун барча шароитлар мавжуд. Уларга иссиқ кийимлар ажратилган. Илғор механизаторлар рағбатлантириляпти. Мавжуд 1223 гектар ҳосилдор ерлар сифатли шудгор қилинди. Об-ҳаво қулайликларидан фойдаланиб ариқ-зовур қазиш ишлари қизиб кетди. Техника ремонти ишлари бошланди. Далага гўнг ва маҳаллий ўғитлар ташиб чиқарилмоқда.

Колхоз фидокорлари бу йил 25 центнердан ошириб «оқ олтин» кўтарган эканлар, улар келаси йил 30 центнерни мўлжаллаяпти. Шу кеча-кундузда олиб борилаётган ишлар бунинг ёркин далилидир.

Х. МАМАДИЕВ.

ПАРТИЯ СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЯНВАРЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

«Узбекуголь» комбинатининг кончилари йиллик план ҳисобига сўнгги эшелонларни жўнатдилар. Шахтёрлар КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, йил охиригача пландан ташқари камида 180 эшелон кўмир жўнатиш мажбуриятини олдилар. Бундан 70 эшелони йирик навли кўмирдир.

Оҳангарон кўмир разрезининг коллективи съезд олди вахтасида олдинда бормоқда. Кончилар етти йилликнинг якунловчи йилида ўз мажбуриятини икки баравар ошириб бажаришга ва Ватанга топшириққа қўшимча суратда 130 минг тонна ёнилғи беришга қарор қилдилар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Ургутдаги тамаки етиштирувчи колхозлар ўз мажбуриятларини бажардилар. Улар белгиланган пландан ташқари 21 минг центнер тамаки барги топширдилар. «Ленинград», Жданов номли, Калинин номли колхозлар ва бошқа хўжаликлар пландан ташқари айниқса кўп маҳсулот бердилар.

Ургут колхозларида дастлабки ишлов берилаётган қимматли хом ашё ҳали оз эмас. Дала меҳнаткашлари тамаки фабрикаларига яна 12 минг центнер тамаки барги беришга аҳд қилдилар.

ТОШКЕНТ КАБЕЛИНИНГ ШУҲРАТИ

Тошкент кабели жаҳонга довруғ таратмоқда. Республикамиз пойтахтидаги кабель заводига Будапешт ва Софиядан, Бомбей ва Дамашқдан, Жакарта ва Кобилдан буюртмалар келмоқда. Корхона маҳсулоти жуда яхши эканлиги ҳақида мамлакатимизнинг турли томонларидан ва чет эл фирмаларидан миннатдорчилик мактублари олинмоқда.

Кўпгина ижодий изланишлар натижасида корхона коллективи каротаж кабеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу хилдаги кабеллар геофизика ишларида кенг қўлланилади. Кучли каротаж кабель кўмагида жуда чуқур нефть қудуқларини ҳам пармалаш ва текшириш мумкин.

Тошкент кабелчиларининг янги маҳсулотига мамлакат геофизиклари юқори баҳо бермоқдалар. Завод конструкторлик бюросининг бошлиғи А. Дергачев, инженер Р. Жабборов, И. Долимов, В. Пикулин ва бошқа ўртоқлар каротаж кабелини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ғайрат-шижоат кўрсатдилар.

С. ҲИДОЯТОВ.

ИЛК МУВАФФАҚИЯТ

Ойхон Арслонбекова ва Қудус Насимов ўртоқлар бошлиқ цехларнинг аъзамат коллективлари КПСС XXIII съезди шарафига бошланган мусобақада янгидан-янги зафарларга эришмоқдалар. Улар Самарқанд сут комбинатида биринчи бўлиб йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Комбинат меҳнаткашлари съезд олди мусобақасида илк муваффақиятни қўлга киритдилар. Йиллик план муддатидан илгари адо этилди. Пландаги 340 тонна ўрнига 453 тонна сир, 16 минг тонна ўрнига 16 минг 142 тонна қаймоқ, қатиқ ишлаб чиқарилди. 820 тоннадан зиёд сарёғ тайёрланди. Комбинат коллективи йил охиригача яна 120 минг сўмлик сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мусобақани кучайтириб юборди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.





Республикамиз саноатининг ишчи ва инженер-техник ходимлари жонажон партиямизнинг XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Етти йиллик планни муддатидан илгари бажарган индустриямиз меҳнаткашлари 1965 йил планини ҳам кўнгилдагидек якунлаш учун курашмоқдалар. Редакциямизга йиллик планни бажарган корхоналардан кўплаб хушхабарлар келиб турибди. Бутун-бутун шаҳарлар ва областларнинг саноат корхоналари йиллик планни адо этмоқдалар. Чунончи, Бухоро шаҳрининг саноат корхоналари 22 декабрда йиллик планни адо этдилар. Бухоролик саноатчилар йил охиригача планга қўшимга равишда 2 миллион сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлайдилар. Шаҳар меҳнаткашлари 1966 йилнинг биринчи квартали топшириғини партия съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олдилар. ЎзТАГ фотомухбири В. Лейзерович ҳамда газетамиз фотомухбири И. Глауберзон олган суратларда етти йиллик илғорларини кўриб турибсиз. Юқоридаги суратда Самарқанд суперфосфат заводининг пешқадамларидан— инженер Хосият Эргашева (чапда) ҳамда Сабина Безазиева ўртоқлар. Пастдаги суратда эса Тошкентдаги металл фурнитура заводининг илғор ишчиси Йўлдош Эгамбердиев. У смена топшириғини ошириб адо этмоқда.

Фото лавҳалар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўз уставининг 19 ва 20-параграфларига мувофиқ, қуйидаги ихтисосликлар бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклар) ва корреспондент-аъзолари учун очиқ ўринлар борлигини маълум қилади:

Ихтисослар	Очиқ ўринлар сони: Ҳақиқий аъзолар	Корреспондент-аъзолар
ФИЗИКА-ТЕХНИКА ВА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЛИМИ		
Математика	2	—
Энергетика	—	1
Механика ва автоматика	1	1
Астрономия	1	—
Физик электроника	—	1
Пахта технологияси	1	—
Геофизика	1	—
Геология	2	3
ХИМИЯ-ТЕХНОЛОГИЯ ВА БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЛИМИ		
Аналитик химия	—	1
Органик химия	1	1
Коллоид химия	1	—
Полимерлар химияси	1	—
Биохимия	1	—
Ботаника	2	—
Тупроқшунослик	1	—
Гельминталогия	—	1
Селекция ва генетика	—	1
Медицина	2	1
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР БЎЛИМИ		
Археология	1	1
КПСС тарихи	—	1
Музика тарихи	1	—
СССР тарихи	—	1
Философия	1	—
Ҳуқуқ	—	1
Экономика	1	2
Адабиёт	1	—
Адабиётшунослик	1	2
Тилшунослик	—	1
Санъатшунослик	—	1

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академик) Академия уставининг 14-параграфига мувофиқ, фанни биринчи даражали илмий аҳамиятга эга бўлган асарлар билан бойитган фан докторларидан сайланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолигига Академия уставининг 15-параграфига мувофиқ, фанни жуда муҳим асарлар билан бойитган фан докторларидан сайланади.

Академия уставининг 26-параграфига мувофиқ, ҳақиқий аъзолар ва корреспондент аъзоларнинг асосий вазифаси илмий-тадқиқотлар, етакчи илмий проблемаларни коллектив бўлиб ишлаб чиқишни ва шу проблемаларни ишлаб чиқишга илмий раҳбарликни ташкил этиш йўли билан фанни янги ютуқлар ва кашфиётлар билан бойитишдан иборат.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва корреспондент аъзолари фан ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш ва маданий қурилишда улардан фойдаланишга актив ёрдам берадилар; илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида иш олиб борадилар. Улар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ва бўлимларининг топшириқларини бажарадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва корреспондент аъзолари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг топшириғига мувофиқ шахсан ўзлари олиб бораётган илмий ишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилишини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидан талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси уставининг 21-параграфига мувофиқ, илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари, илмий ходимлар ва улар группаларига мазкур ахборот чиққандан кейин бир ой давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумига ёзма равишда тегишли фикрларни билдириш, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мазкур ахборотда кўрсатилган иқтисосликлари бўйича ҳақиқий аъзоликка ва корреспондент аъзоликка кўрсатилган номзодларининг номларини кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва корреспондент аъзолигига номзодлар кўрсатишда қуйидаги материалларни қўшиб юбориш зарур (3 нусхада): автобиография, кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, илмий асарларнинг рўйхати ҳамда фан ва коммунистик қурилиш учун уларнинг аҳамияти ҳақида билдирилган фикрлар, номзоднинг характеристикаси ва 9х12 сантиметрли фотосурат.

Юқорида кўрсатилган материалларни бирортаси бўлмаса, номзодлар рўйхатга олинмайди.

Материалларни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумига қуйидаги адрес бўйича юборилсин: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ.

Хатларингизга жавоб берамиз

ЁШЛАР ТАЛАБИ БИЛАН

Қорақўл районида мажбурий ўрта таълимни амалга оширишга етарли эътибор берилмаяпти. 7-8 синфни битирган айрим қиз-йигитлар юқори синфларга ўқишга жалб этилмай қолаётир. Масалан, «Ленинград» колхозидаги К. Маркс номли 8 йиллик мактаб ўқувчиларидан К. Шарипова, С. Отаева, М. Жумаева, Р. Бозорова ва бошқалар 9-синфга ўқишга тортилмади. Чунки бу ерда 9-10 синфлар очилмаган. Ёшларнинг юқори синфлар очиш зарурлиги ҳақидаги талаби оқибатсиз қолиб кетмоқда. Масалага редакциянинг аралашувини илтимос қиламиз.

Редакция хатни Қорақўл район халқ маорифи бўлимига юбориб, тегишли тадбир белгилашни илтимос қилди. Олинган жавобда бундай дейилади:

Текширишда ёшларнинг хатида келтирилган фактлар тўғри чиқди. Район халқ маорифи бўлими ёшларнинг талабини эътиборга олиб, К. Маркс номли мактаб ҳузурида 9-синф очди. Унга 15 ўқувчи тортилди. Тўла ўрта маълумотга эга бўлмаган қиз-йигитларни кечки қишлоқ ёшлари мактабларига жалб этиш давом эттирилмоқда.

ҲАММА БАҲРАМАНД БЎЛАДИ

Меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитети хабар қилади:

Каттақўрғонлик меҳнаткашларнинг «Совет Ўзбекистони» газета редакциясига йўллаган хатида келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. Тошкент телевидение студиясининг эшиттиришларидан Каттақўрғон шаҳар ва район аҳолисини баҳраманд қилиш учун икки минг беш метрлик Ламгар тепалигида ретранслятор қуриш планлаштирилди. 1966 йил февраль ойида тажриба тариқасида дастлабки эшиттиришлар олиб кўрсатилади. Шунингдек, Қўйтошда 1897 метр баландликда кучли ретранслятор қурилиши тугалланмоқда. Бу ишга туширилиши билан Тошкентдан биринчи программада берилаётган эшиттириш ва томошаларни олиб кўрсатиш янада яхшиланади.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг декабрь сони «КПСС XXIII съезди бўсағасида» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Экономика ишлаб чиқариш, меҳнат» рубрикаси остида иқтисод фанлари доктори Д. Эрлихнинг «План ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантириш», Самарқанд область партия комитетининг секретари И. Титковнинг «Индустрияни юксалтиришнинг жанговар программаси», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори З. Мақсумов ва экономистлар Ҳ. Жалилов, И. Ваксларнинг «Совхоз тўла-тўкис хўжалик ҳисобига ўтади» сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналнинг «Идеология иши ва ҳаёт» бўлимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструкторлари Е. Богославская, М. Мирзамовнинг «Партия ўқуви бошланди», А. Толиповнинг «Оилада бола тарбиясининг баъзи масалалари» сарлавҳали мақолалари берилган.

«Марксизм-ленинизм асослари мактабларининг пропагандистларига ёрдам» рубрикаси остида «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари С. Рудюк ва сиёсий маориф кабинетининг мудири А. Самсоновнинг «Коммунистлар — ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун курашни ташкил этувчилар» сарлавҳали мақоласи, шунингдек «Методик маслаҳатлар» рубрикаси остида «КПСС тарихи» курсига оид ҳамда «Сиёсий иқтисод асослари» курсига доир навбатдаги темалар ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган.

Булардан ташқари, журналнинг «Маданият ва турмуш», «Тарихий саналар ва воқеалар», «Танқид ва библиография» бўлимларида ҳам қўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

Касаба союз комитетларининг пленумлари

Тошкентда касаба союз комитетларининг пленумлари ўз ишини давом эттирмоқда.

Тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи республика комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини бажариш соҳасида касаба союз ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Пленумда ана шу давлат комитетлари ва министрликларининг раҳбарлари доклад қилдилар.

Маданият ходимлари республика комитетининг пленуми Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот ва кинематография давлат комитетлари, шунингдек маданият министрлиги корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳақидаги қонунларнинг қатъий бажарилиши учун кураш масалаларига бағишланди. Пленумда ана шу давлат комитетлари ва министрликларининг раҳбарлари доклад қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЙИҒМА, КЎП ҚАВАТЛИ

- Шаҳар бўйига ўсмоқда
- Бир йиғимда йигирма бир деталь
- Ойнаванд миноралар
- Мамлакатда биринчи марта
- Уч ойда тўққиз қаватли уй

Биз бир уйни бир неча минутда йиғиб бўлдик. Устунларини ўрнатдик, тиргакларига балкаларни ётқиздик, устига плиталар тердик. Терраса билан девор панелларини қўйган эдик, уйнинг бутун бир қавати тайёр бўлди-қолди. Сўнгра ишни яна шу тахлитда давом эттириб, уйни қаватма-қават кўтариб чиқавердик.

Биз бу уйни «Ташгипрогор» кабинетларидан биридаги стол устида «қурдик». Биз деталларни олаётган қутида йиғирма битта хонача бор эди. Ленин Тошкентдаги йиғма темир-бетон заводларидан бирида — 6-заводда ҳақиқий устунлар, плиталар, панеллардан иборат бошқа бир ажойиб «қути» тайёр бўлиб келаётган эди. Ана шу деталлар ҳам моделдаги сингари 21 типдан иборат.

— Бу деталлар тўққиз қаватли уйни йиғиш учун кифоя қилади, — деди лойиҳа бош инженери Н. А. Голубов.

Йиғма уйлар Тошкент учун янгилик эмас, сўнгги тўрт-беш йил ичида бир неча юз минг киши шундай уйларга кўчиб кирди. Тўққиз қаватли иморатлар ҳозирда ёқ, масалан Шота Руставели кўчасида савлат тўна бошлади. Аммо, «тўққиз қаватли йиғма уй» деган ибора ҳали Тошкентда учраган эмас. «Ташгипрогор»нинг лойиҳаси сейсмик зона учун мўлжалланганини назарга олсак, бундай уйлар Тошкентдан бошқа жойларда ҳам қурилган эмас.

Тошкент архитекторлари билан инженерлари таклиф этган конструкция тўққиз қаватли уйнинг ғоят мустаҳкам бўлишини гарантиялайди. Тўртта катта тирганка кўндаланг қилиб маҳкамланган устун синчнинг асосий қисми бўлиб қолди. Бунинг ҳосияти жуда катта — балкалар билан бостирмаларнинг оғирлиги эндор тиргакларнинг «елка»сига тушади. Устунларнинг ёнидаги жойларга энг кўп зўр келади, шунинг учун устунлар худди ана шу жойда балкалар билан бирлаштирилган. Қурилиш майдончасида бу ишни нақадар пухта бажармаслар, устун билан балкаларнинг орасини бетонда нақадар тош-метинден мустаҳкамлаб қўймасинлар, шундай конструкцияларнинг ғоят катта юкламани кўтара олишига ишониб бўлмас эди.

Тўртта баҳувват тирган билан заводда кўндалангига маҳкамлаб чиқарилган устун проблемани ҳал этишга ёрдам берди. Энди орадаги очиқ қолган жойни тўлдириш учун калта-калта балкалар ҳам кифоя қилади. Бу балкалар унчалик зўр келмайдиган жойларга маҳкамлаб қўйилади. Бинобарин, устунларнинг оғирлиги, кесимлари аввалгича қолгани ҳолда, уларнинг зиммасига ортилган иш кўпайди.

Йиғма синчнинг иккинчи бир ҳосияти — унинг «эгилувчан»лигидир. Бошқа конструктив ечимлар билан уйгунликда бу ҳол ер остидаги силкинишларга қаршилиқ кўрсатиш имконини беради.

Кўп қаватли уйни йиғиш учун ишлатилаётган деталлар ҳам унинг ўзига яраша. Иккита плита кўп хонали квартиранинг устини ёпишга тўла кифоя қилади. Битта панель билан квартиранинг девори тайёр бўлади... Кран «қути»дан йигирма типдаги деталлардан бир минг тўққиз юз бештасини олиб, шулардан муҳташам бир уй ясайди. Шу ишларнинг ҳаммаси уч ойда битади.

Фараз қилайлик, уй тахт бўлди — бу охир, эртами-индинга амалга ошадиган иш-да. Деталбин тўққиз қаватли уйлар учун ҳатто жой ҳам танлаб қўйилган. Бундай уйлар Чилонзор билан илгариги «эски шаҳар»нинг қоқ ўртасидаги Комсомол майдони ўртасида чиқарилаётган Халқлар дўстлиги проспектида, Энгельс, Пушкин кўчаларида ва бошқа магистралларда қурилади. Келинг, биринчи қаватдаги магазинни қолдириб, квартиралардан бирига, иложи бўлса, тепароқ қаватдаги бирон квартирага чиқайлик. Чунки бир қаватдан иккинчи қаватга кўтарилишнинг ўзида ҳам анча гап бор. Биз қаватларга ойнаванд миноранда, — ҳовли тарафдан уйга қапиштирилган лифтли миноралар кўтариламиз. Тепага чиқар эканмиз, биз ўттиз метр баландликдан туриб шаффоф деворлар орқали шаҳар манзарасини томоша қиламиз.

Қайси квартиранинг эшигини қоқайлик? Бу ерда ҳар қандай катта-кичик оилага мўлжалланган уй-жой бор. 88 та квартира орасида бир хоналиги ҳам, икки, уч, тўрт хоналиги ҳам, борингки, беш хоналиги ҳам бор... Тағин ҳаммаси шинам. Мана, уч хонали квартира — унинг кенг емак хонаси, ётоқхонаси, болалар хонаси, чинглинг даҳлизи ва ошхонаси, очиқ террасаси бор...

Бундай квартирада яшайдиган одамлар мебелнинг ғамини қилиб юришмайди. Квартирада девор ичига қурилган гардеробларга ва токчаларга кўп.

Институтнинг бир группа мутахассислари тайёрлаган лойиҳани рўёбга чиқариш учун анчагина тажриба ишлари ўтказишга, технологияга доир бир қанча проблемаларни ҳал қилишга тўғри келди. Ниҳоятда катта деталларни тайёрлаш қурилиш практикасида биринчи марта ўзлаштириб олинганлиги йиғма темир-бетон заводи билан «Главташкентстрой» конструкторлик бюроси коллективларининг катта ютуғи бўлди. Уйсозлик комбинати керамзит бетондан тайёрланган дастлабки деворбоп панелларни беради. Келгусида панелларни, бостирма плиталарни ва бошқа деталларни йўлбоп ишлаб чиқариш йўлга қўйиб юборилади.

Янги лойиҳанинг имтиҳони бошланиб келяпти. Тўққиз қаватли уй учун мўлжалланган конструкцияларнинг бир қисмидан Навоий кўчасида қурилаётган бошқа бир иморатда фойдаланилади. Тошкент экспериментал лойиҳалаш зона илмий тадқиқот институти билан биргаликда завод территориясида яна бир тажриба ўтказишга — тайёр деталлардан иморатнинг икки қаватини йиғиб, шуни кенг программа асосида синаб кўришга қарор қилинди.

...Тўққиз қаватли уй-жойларни ҳозирча фақат моделларда ва планшетларда кўриш мумкин. Лекин бундай уйлар ҳозиридаёқ катта конвейерга солинмоқда. Улар тез орада Ўзбекистон пойтахтининг зеби-зийнати бўлиб қолади. Тошкентлик архитекторлар, конструкторлар, биноқорлар, технологлар топган усуллар юксак сейсмик зонадаги бошқа шаҳарларнинг ҳам кўп қаватли йиғма уйлар қуриб олишларига ёрдам беради

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА

БУХОРО. КПССнинг шонли XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олаётган Бобкент районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари яхши ютуқларга эришмоқдалар. Бу ерда сигирлардан бузоқ олиш плани ошириб бажарилди. Шунингдек, давлатга гўшт, сут етказиб бериш топшириқлари ҳам муддатидан илгари адо этилди.

Шу райондаги Ильич номли колхоз аъзолари ҳам сут топшириш йиллик планининг бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар.

Ч. РАҲИМОВ,
Р. АЗИМОВ.

●

САМАРҚАНД. Самарқанд районидаги «Ленинобод» колхозида чорва моллар рацион асосида боқилмоқда. Ҳозиргача сигирлардан 390 тоннадан кўпроқ сут соғиб олинди. Бу, ўтган йили шу вақтга қадар соғилган сутдан 440 центнер кўпдир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳайитгул Жалилова, Маърифат Мажидова, Бўстон Усмонова, Бибисора Давлатова каби илғорлар ҳозиргача ҳар бош сигирдан 2400-2500 килограммдан сариқаймоқ сут соғиб олдилар.

Р. ҒАНИЕВ.

●

АНДИЖОН. Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» колхозида моллар тўқ ва иссиқ қишламоқда. Ёз ва куз ойлари давомида жамғарилган 3 минг тоннадан зиёдроқ ем-хашак ва силос фермаларга ташиб келтирилиб молларга майдалаб берилмоқда.

Чорвадорлар қорамоллар ва қўй-эчкиларни қишдан соғлом ҳамда семиз ҳолда асраб чиқиш учун барча тадбирларни изчиллик билан амалга оширяптилар.

Л. ОРТИҒАЛИЕВ.



«ФЕРГАНАНЕФТЕГАЗ» бирлашмасига қарашли «Андижон» нефть конида ўртоқ М. Мўминов сингари илғор операторлар кўп. Улар партия съезди шарафига самарали ишлаб, катта меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Кон азаматлари етти йиллик планга қўшимча равишда анчагина «қора олтин» қазиб чиқардилар. Суратда: ўртоқ М. Мўминов иш устида.

С. Безносов фотоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАЙРАТИ

«Голодностепстрой» бошқармасининг механизаторлари янги ерларни ўзлаштириш бўйича йиллик планни муддатидан 16 кун олдин бажардилар. Мирзачўлнинг Ержар, Сангзор ва марказий массивларидан 19870 гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу пландагидан нарийб 1000 гектар кўпдир.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Янгиердаги «Гидроспецгрой» бошқармаси коллективи меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Гидроқурувчилар етти йиллик программани муддатидан 2,5 ой олдин ортиғи билан бажариб қўйишган эди. Ҳозирга қадар планга қўшимча бир миллион сўмлик иш бажарилди. Аҳил коллектив КПСС XXIII съезди очилиши кунигача 1966 йилнинг 6 ойлик планини бажариш учун курашмоқда.

Д. УРИНБОСАРОВ.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАФАРИ

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Тўрткўл районн чорвадорлари партия XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга 2000 тоннадан кўпроқ сут сотиб, йиллик планни ошириб адо этдилар ва йил охиригача яна 100 тонна сут топшириш мажбуриятини олдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

АНДИЖОН ХАБАРЛАРИ

Андижон шаҳридаги умумий овқатланиш трестига қарашли 1-чойхонада ўзбек таомлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада шу трестга қарашли ошхоналарнинг ошпазлари тайёрлаган юздан ортиқ миллий таомлар қўйилган.

М. БОЛТАБОЕВ.

□

Хўжаобод районидаги Ўчқўрғон посёлкаси марказида 500 ўринли кинотеатр, 200 кишилик клуб ва икки қаватли типовой касалхона бинолари қад кўтарди.

Ш. МУЙДИНОВ,
Т. ХОЛИҚОВ.

□

Москва районидаги 37-автобаза коллективи етти йиллик планни муддатидан икки ой илгари адо этди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

□

162-қурилиш трести бинокорлари Андижон давлат педагогика институти студентлари учун 400 ўринли ётоқхона қуриб бердилар.

Б. МАЪМУРОВ.

Қариялар учун

ТОШКЕНТ. «Средазгипроторг» лойиҳалаш институти «Победа» паркида қуриладиган 125 кишилик янги типдаги қариялар чойхонаси лойиҳасини тузиб бўлди.

Яқинда бино қурилиши бошлаб юборилади.

О. СТАРОДУБЦЕВА.

ҲОДИСА

ҚИЗЧА ЯШАЙДИ!

Устюртдаги Комсомольск шаҳрида рўй берган ёнғин натижасида 6 ёшли Стеша Фильчева қаттиқ жароҳатланди. Қизчанинг ҳаёти хавф остида қолди. Стеша зудлик билан Нукусдаги республика касалхонасига жойлаштирилиши лозим эди. Ҳаво айниб тургани учун санитар авиацияси самолёти касалга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши қийин бўлди.

Нукусда самолёт ерга қўниши билан қизча машинада касалхонага жўнатилди. Врач Пўлат Исломхўжаев дарҳол қизчага зарур бўлган медицина ёрдамини кўрсатди.

Орадан бир ярим ой ўтди. Биз Нукусга телефон қилиб, врач Исломхўжаевдан Стешанинг аҳволини сўрадик.

— Қизчанинг ҳаёти сақлаб қолинди, — деди врач телефонда. — Медицина ходимлари қизчанинг тез согайиб кетишига қўлларидан келган ҳамма ёрдамни аямадилар. Биз Стешанинг куйган еридаги терисини ўзгартиришимиз лозим. Бу иш ҳам муваффақиятли ўтишига ишонамиз.

Граждан авиацияси ходимлари ва врачларнинг меҳрибонлиги туфайли қизчанинг гражданнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Н. СЕРГЕЕВ.

ЮТУҚЛАРИМИЗ БОИСИ

Илғор тажриба минбари

Хўжалигимиз бултур кузги шудгорни ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, жуда яхши натижага эришди. Кузда чуқур ҳайдалган майдонлар эрта баҳорда оби-тобида боройаланди. Шудгордан кейин шўри ювилган карталар чизелланди, баъзи бригадаларда чизеллаш билан бир вақтда ерга компост солинди. Шу туфайли чигит қийғос ундириб олинди. Тўла гектарлар бўлишига эришилиб, ғўза парвариши барвақт бошлаб юборилди. Кузги шудгор юқори сифатли ўтказилганлиги туфайли парвариш даврида нам яхши сақланди. Биз ғўзани асосан тўрт марта суғориб етилтирдик.

Ёзда агротехника қоидалари асосида парвариш қилинган ғўза туплари серхосил бўлди. Ҳар бир шона гулга, гул тўқ кўсакка айланди. Ғуборсиз етилган кўсаклар барвақт очилди. Биз йиғим-теримни ҳар йилдагидан икки ҳафта олдин бошлаб, пахта тайёрлаш планини 45 иш кунида, 15 октябрдаёқ бажардик. Етиштирилган барча ҳосилни жадал суръатлар билан йиғиштириб олиб, 1.100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан шартномадаги 26 центнер ўрнига 33 центнердан пахта топширдик. 15 та далачилик бригадасининг ҳаммаси пахта етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятини ошириб адо этди. Колхоз бўйича планга қўшимча 25 процент пахта топширдик.

Кузги шудгорни сифатли ўтказиш билан, ғўза парваришини намунали олиб борган айрим бригадаларимиз янада яхши кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Ўртоқ Янгибой Шониёзов бошлиқ бригада гектаридан 41 центнердан пахта топширди. Тўймурод Рўзимуродов, Шамси Мингбоев, Худойберди Омонқулов, Абдураҳим Шералиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни гектар бошига 37-40 центнерга етказдилар.

Колхозимиз икки йилдан бери уруғлик пахта етиштириш билан шуғулланади. Бу йилги планни биринчи ва иккинчи терим ҳисобига бажардик. Давлатга 105 процент биринчи сорт пахта сотдик. 1.500 тонна ўрнига 1.740 тонна аъло сифатли уруғлик пахта топширдик. Шу ҳисобнинг ўзидан 70 минг сўм қўшимча даромад қилдик. Пахтани юқори сортларга сотиш эвазига яна 283 минг сўм устама пул олдик.

Шундай қилиб, пахта ҳосилдорлигини ошириб ва сортини яхшилаб, булғурга нисбатан даромадни қарийб икки баравар кўпайтирдик. Ҳар иш кунининг қиймати ишлаб чиқариш планидаги 2 сўм 46 тийин ўрнига 4 сўм 50 тийинга тўғри келяпти. Иқлим пахта тайёрлаш планини 149 процент адо этиб, гектаридан 40 центнердан ошириб хирмон кўтарган Я. Шониёзов бошлиқ бригада аъзолари ҳар иш кунига 6 сўмдан пул оляптилар.

Ҳалол ва фидокорона меҳнатдан манфаатдор бўлаётган колхозчиларимиз, ғайратли механизаторларимиз 1966 йилда янада яхши натижаларга эришиш учун дала ишларини сифатли ўтказмоқдалар. Улар янги беш йилликнинг биринчи йилида гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришни мўлжаллаб иш тутяптилар.

Ерни ҳайдашдан олдин ўғитлашда ҳам гап кўп. Агар, шудгор ўғитсиз бўлса, унча яхши натижа бермайди. Усимликнинг ҳосил томирлари ер қатламидаги тупроқдан нормал озуқа ололмайди, ғўза нам ҳосилли бўлиб ўсади. Биз бунга йўл қўймаймиз. Шудгор олдидан ерни минерал, маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан сизиқлатирамиз. Ҳар гектарига 300-350 килограммдан суперфосфат соламиз.

Минерал ва маҳаллий ўғитлардан кузда ҳам, ёзда ҳам самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Шудгор олдидан солинадиган суперфосфат асосан ҳосилни йиғиштириш пайтида жамғариб қўйилади. Бунинг учун бригадаларда ўғит сақланадиган омборлар бор. Ҳар бир километр ўғит шу омборлар орқали ўлчаб тарқатилади. Минерал ўғитлар бригадаларнинг ер шароитига, етиштирилган пахтанинг миқдорига қараб берилади. Ундан қандай фойдаланиш устидан колхоз бош агрономи ўртоқ Турдиназар Абдураупов назорат қилиб боради.

Хўжалигимизда маҳаллий ўғитдан фойдаланишда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган. Пахта ерларимиз адирларга, лалмикор участкаларга туташиб кетган. Сувли яйловлар унча узоқ эмас. Биз бунга йўл қўймаймиз. Шудгор олдидан ерни минерал, маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан сизиқлатирамиз. Ҳар гектарига 300-350 килограммдан суперфосфат соламиз.

Минерал ва маҳаллий ўғитлардан кузда ҳам, ёзда ҳам самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Шудгор олдидан солинадиган суперфосфат асосан ҳосилни йиғиштириш пайтида жамғариб қўйилади. Бунинг учун бригадаларда ўғит сақланадиган омборлар бор. Ҳар бир километр ўғит шу омборлар орқали ўлчаб тарқатилади. Минерал ўғитлар бригадаларнинг ер шароитига, етиштирилган пахтанинг миқдорига қараб берилади. Ундан қандай фойдаланиш устидан колхоз бош агрономи ўртоқ Турдиназар Абдураупов назорат қилиб боради.

Хўжалигимизда маҳаллий ўғитдан фойдаланишда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган. Пахта ерларимиз адирларга, лалмикор участкаларга туташиб кетган. Сувли яйловлар унча узоқ эмас. Биз бунга йўл қўймаймиз. Шудгор олдидан ерни минерал, маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан сизиқлатирамиз. Ҳар гектарига 300-350 килограммдан суперфосфат соламиз.

Минерал ва маҳаллий ўғитлардан кузда ҳам, ёзда ҳам самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Шудгор олдидан солинадиган суперфосфат асосан ҳосилни йиғиштириш пайтида жамғариб қўйилади. Бунинг учун бригадаларда ўғит сақланадиган омборлар бор. Ҳар бир километр ўғит шу омборлар орқали ўлчаб тарқатилади. Минерал ўғитлар бригадаларнинг ер шароитига, етиштирилган пахтанинг миқдорига қараб берилади. Ундан қандай фойдаланиш устидан колхоз бош агрономи ўртоқ Турдиназар Абдураупов назорат қилиб боради.

Хўжалигимизда маҳаллий ўғитдан фойдаланишда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган. Пахта ерларимиз адирларга, лалмикор участкаларга туташиб кетган. Сувли яйловлар унча узоқ эмас. Биз бунга йўл қўймаймиз. Шудгор олдидан ерни минерал, маҳаллий ўғитлар аралашмаси билан сизиқлатирамиз. Ҳар гектарига 300-350 килограммдан суперфосфат соламиз.

Минерал ва маҳаллий ўғитлардан кузда ҳам, ёзда ҳам самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Шудгор олдидан солинадиган суперфосфат асосан ҳосилни йиғиштириш пайтида жамғариб қўйилади. Бунинг учун

Кузги ишларни амалга ошириш район Советларининг ишларини бирмунча енгиллаштириш билан бирга, қишлоқ Советларининг ҳуқуқ ва ролини оширишга, Советларнинг фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтаришга имкон беради.

Ч. НИЕЗОВ,
Денов район ижроия комитетининг раиси.

МЕДИЦИНА АРХИВИ — БИЛИМЛАР МАНБАИ

Беморнинг касалини тўғри аниқлаб, унга диагноз қўйиш, сўнгра даволаш осон иш дейсизми. Бир касаллик устида иш олиб бораётган врач, албатта, ана шу касаллик устида неча йиллар давомида ишлаган устоз шифокорларнинг тажрибаларига назар ташлайди, уларнинг иш методларидан ўрганади. Бундай пайтда врач ёки илмий ходим дарҳол тажриба ва билимлар манбаи бўлган медицина архиви материалларига мурожаат қилади. Тажрибали шифокорлар томонидан ўрганилган касаллик ва уларни даволашдаги усуллар билан танишадилар.

Республика медицина муассасаларида медицина ҳужжатлари сақланса ҳам, у талабга жавоб бермас эди. Ўзбекистон Давлат марказий медицина архивининг очилиши медиклар ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Архивда медицина фанидаги тажрибалар тўпланади. Архив очилгандан буён ўтган қисқа вақт ичида медицина материалларини тўплаш борасида муҳим илмий изланишлар қилинди. Барча йирик даволаш муассасалари, поликлиникалар, диспансерлар архивга турли хил материалларни мунтазам топшириб турадиган бўлдилар.

Топширилаётган барча архив материалларида касалликнинг келиб чиқиши ва шу ташкилот томонидан касалликни даволаш учун кўрилган чоралар тўла-тўкис кўрсатилган бўлади. Илмий текшириш ва даволаш ҳужжатларини ана шундай расмийлаштириб сақлаш медицина фанининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда архивда 26 та медицина муассасасининг 17 минг умумий иши ва 26 мингга яқин касаллик тарихи сақланмоқда. Архив ходимлари ўз малакаларини тинмай оширяптилар. Улар совет тузуми давридаги медицина ҳужжатларини ўрганиш билан бирга, революциядан олдинги даврдаги медицина тарихини ҳам ўргана бошлайдилар.

— Республика медицина архивининг истиқболи порлоқ, — дейди архив директори ўртоқ Усмонов, — медицина ҳужжатларини сақлаш, улардан фойдаланиш қулай бўлиши учун ҳужжатларни ихчамлаштириб, фотоплёнкаларга кўчирмоқчимиз.

П. НИШОНОВ,
Ҳ. НАЖМИДДИНОВ.



В. И. ЛЕНИН номли Тошкент Давлат университети физика факультетининг лабораториялари энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Суратда: 2-курс студентлари У. Қурбоналиев ва А. Иброҳимов ўртоқлар лабораторияда электрон-микроскоп ёрдамида машғулот ўтказишмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЗАНГОРИ МАШЪАЛЛАР

Хоразмдаги 167- трест қурувчилари яна 10 километр кўча газ қувурини фойдаланишга топширдилар.

Бу ердаги деярли барча корхоналар, шу жумладан ёғ, силикат, сут-ёғ заводлари, электростанция, нон ва гўшт комбинатлари, бинокорлик материаллари комбинати Бухоро газида ишлашга кўчирилди.

Арзон «зангори ёқилғи»ни касалхоналар, кир ювиш хоналари, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, ошхоналар, шаҳардаги хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўпчилиги олиб турибдилар. 6400 хонадон ҳам бу юқори калорияли ёқилғидан фойдаланмоқда.

Урганч шаҳри ўтган йили ҳар куни 600 минг кубометр газ олиб турган бўлса, бу йил кунига 1 миллион 400 минг кубометр газ олмоқда. (ЎзТАГ).

Депутат ва ҳаёт

ДАВР ТАЛАБИ

Кенг халқ оммасининг ташкилоти маҳаллий Советларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялар, депутатлар фаолияти жонланиб, халқ хўжалиги ва маданий қурилишининг ҳамма соҳаларига раҳбарликда активлиги ошмоқда. Халқ вакиллари билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар орқали кенг омма билан боғланиш, маҳаллий Советларга меҳнаткашлар ҳаётини чуқурроқ билиш, хўжалик ва маданий қурилишларга конкрет ва тўғри раҳбарлик қилиш имконини бермоқда. Буни бизнинг Денов район ижроия комитети фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Районимиз хўжаликлари давлатга пахта, туҳум, пилла, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планини ортиғи билан бажарди. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советларининг 568 депутати ва қишлоқ Советлари қошидаги 65 та доимий комиссияларининг ҳиссаси катта.

Депутатлар ўз сайловчиларининг юксак ишончини оқлаш билан бирга меҳнатда бошқаларга намуна бўлмоқдалар ҳамда хўжаликларга ва пахтачилик бригадаларига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмоқдалар.

Район меҳнаткашлари давлат омборларига 73 минг тоннадан ошиқроқ «оқ олтин» топшириб, ҳосилдорликни гектар бошига 36 центнерга етказишди. Депутатлардан ўртоқ Н. Аҳмедов раислик қилаётган «8 Март» колхози пахтакорлари ҳар гектардан 41 центнердан, Н. Ҳайдаров раислик қилаётган «Ғалаба» колхози аъзолари эса 2150 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ошириб ҳосил олдилар.

«Ғалаба» колхозидаги депутат Х. Ҳайдарова бошқараётган бригада гектаридан 43 центнердан, «8- Март» колхозидаги депутат Н. Аҳмедов бошқараётган бригада 49 центнердан, шунингдек, депутатлардан Х. Мегкулов, Ҳ. Азимова, А. Юсупов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектаридан 40-50 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Шу нарса қувончлики, депутатлар ўз сайловчилари наказларини ҳам имкони борича амалга оширишга интилмоқдалар. Сайловчилар наказлари асосида кўпгина маданий-маиший хизмат объектлари барпо этилди. Чунончи, кейинги икки йил мобайнида 17 та саккиз йиллик ва ўрта мактаб, колхоз участкаларида 3 та қишки ва 10 та ёзги клуб, 12 кутубхона, 4 та дорихона, 20 га яқин маиший хизмат устахоналари қуриб, фойдаланишга топширилди. Район колхозлараро йўлларидаги 73 километрлик йўл тикисланиб, ремонт қилинди ва шундан 20 километрига асфальт ётқизилди.

Райондаги қишлоқ Советларининг иши тобора жонланиб бормоқда. Юрчи, Анбарсой, Денов қишлоқ Советлари қишлоқ хўжалигига доир муҳим масалаларни ўз сессиялари ва йиғилишларида тез-тез муҳокама қилиб турадиган бўлиб қолдилар. Чунончи, колхозларда социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши, қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилиш ҳолларига қарши кураш, колхоз фермаларида чорва маҳсулотларини кўпайтириш, колхозларда дебитор қарзларни тугатиш ва колхозчиларнинг томорқасини тартибга солиш каби масалалар қишлоқ Советлари сессияларида кўрилди. Қишлоқ Советларининг бундай иш услублари уларнинг кенг омма ўртасидаги обрўларини ошириб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин Советларнинг роли янада ошди. Айниқса район Совети ижроия комитети функциясига киритган баъзи бир ҳуқуқларни жойлардаги қишлоқ Советларига бериш мақсадга мувофиқдир.

Шу вақтгача бир ёшдан ошган болаларга туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар район ЗАГС бўлими орқали берилиб келинмоқда. Ҳолбуки, район ЗАГС бўлими болаларга туғилиш гувоҳномаси берганда қишлоқ Советининг хўжалик дафтарига асосланиб беради. Бунинг учун ота-оналар бир неча кунлаб район марказига қатнаб, ўз вақтларини кетказадилар. Болаларга туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни бериш жойлардаги қишлоқ Советларига топшириш механизмлаштирилган масалалар билан ҳам қизиқишади.

Райондаги бошлангич ва саккиз йиллик мактабларни капитал ҳамда жорий ремонт қилиш қишлоқ Советларига юклатилган. Ўрта мактабларни капитал ва жорий ремонт қилиш эса район халқ маорифи ихтиёрида. Бу ишни ҳам жойлардаги қишлоқ Советлари ихтиёрига бериш, қишлоқ Советларининг халқ маорифига раҳбарлик ролини янада оширади.

Маҳаллий Советларнинг ролини оширишда жойлардаги қишлоқ Советларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда қишлоқ Советларининг территорияси катталигини ҳисобга олиб, уларни транспорт билан таъминлаш, ва аҳоли сонига қараб қишлоқ Советларининг штат масаласини қайтадан кўриб чиқиш лозим.

Бу ишларни амалга ошириш район Советларининг ишларини бирмунча енгиллаштириш билан бирга, қишлоқ Советларининг ҳуқуқ ва ролини оширишга, Советларнинг фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтаришга имкон беради.

Ч. НИЕЗОВ,
Денов район ижроия комитетининг раиси.

Моҳир пропагандистларимиз



ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Пропагандист Абдулхай Юнусов гавжум хонага кириб келганида баҳс тинди. Ҳамманинг қўлида қалам-дафтар тахт эди. Пропагандист темани такрорлашга киришди:

— Хўш, ўтилган мавзуни ким сўзлаб беради? — деб сўради Абдулхай ўтирганларга мурожаат қилиб.

— Мен, — деди ўрнидан туриб Анвар Аҳмедов, — биз саноатнинг ривожланиши тўғрисида гаплашган эдик. Бу темани ўз бригадамиз мисолида тушунтириб бермоқчиман. Саноатни ривожлантирмай туриб, коммунизм қурилишини тезлаштириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Буни бригадамизнинг ҳар бир ишчиси жуда яхши тушуниб қолди. Заводимизда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми материаллари ўрганилмасдан илгари меҳнат кунига қизиқиш катта эди. Негаки, қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарсак кўп ҳақ оламиз. Энди ундай эмас, кунлик нормани орттириб бажариш билан бирга, маҳсулотнинг сифати учун ҳам қаттиқ кураш боряпти.

Тингловчилардан Александр Гробов, Петр Ширшиков, Сергей Плаксин ўртоқлар ҳам тема юзасидан ўз мулоҳазаларини айтишди. Сўнгра, пропагандист «Жамият тараққиёти тўғрисида нималарни билиш керак» деган темада навбатдаги машғулотни ўтказди.

Абдулхай ака пропагандистлик кила бошлаганидан бери орадан тўққиз йил ўтган бўлса ҳам дастлабки машғулотларини худди шу бугунгидек эслайди:

— Бир куни, — дея хотирлайди у, — жон куйдириб гапираяпман-у, ўтирганларнинг мен билан иши йўқдай. Кишилар эснашяпти, баъзилар гаплашиб ўтиришибди. Ҳамма машғулот тезроқ тугай қолса дегандек... ўйлаб қарасам, мендан пропагандист чиқадиган эмас, партия ташкилотининг секретарига бу вазифадан озод қилинглар деб айтдим.

— Пропагандистликка кучим етмас экан, деб чўчибсиз-да? Биз бўлсак бутунлай бошқача ўйловдик, — деди секретарь.

Абдулхай ака ўша куни секретарь билан узоқ суҳбатлашди. Унинг фикрлари ёш пропагандистга қаттиқ таъсир қилди. Ўртоқ А. Юнусов дўстона маслаҳатларга дастлабки кунларданоқ амал қилди. У завод ишлари билан банд бўлишига қарамай, кундалик газета-журналларни мунтазам ўқиб боришга, китоб мутолаа қилишга киришди, билмаганларини сўраб ўрганди. Тўғри, дастлабки машғулотлари анча тартасиз, зеркарли бўлди. Лекин тиришқоқ йигит бўш келмади. Одамлар кўнглига борадиган йўлни қидирди.

Уйида кутубхонача ташкил этди. Ҳар хил бадиий китоблар ёнига «Агитатор», «Партия турмуши», «Коммунист» журналлари ҳам қўшилди.

Йиллар бир-бирини қувлаб ўтди. Бора-бора заводда Абдулхай аканинг номини меҳнатсевар ва актив жамоатчи сифатидагина эмас айни вақтда планлаштириш бўлимининг энг яхши ходими, билимдон, тадбиркор пропагандист сифатида ҳам тилга олишадиган бўлиб қолишди. Башарти бирорта йиғилишда пропагандистларнинг иш тажрибаси ўрганиладиган бўлиб қолса, машғулотга тайёрланишни Абдулхай Юнусовдан ўрганинглар, дейишади.

Ҳақиқатан ҳам бу омилкор пропагандистнинг кўп йиллик ҳаракати, изланиши беҳуда кетмади. Завод ишчилари унинг суҳбатларини мароқ билан эшитишадиган бўлиб қолишди. Эндиликда улар пропагандистнинг лекциясини тинглаш билангина кифояланмай, ҳозирги кунда жаҳонни тўлқинлантираётган масалалар билан ҳам қизиқишади.

Абдулхай Юнусов машғулотларни кўргазмали қуролларсиз ўтказмайди. Тўғри, у машғулот олиб бораётган хонага кирсангиз, деворда СССРнинг иқтисодий-сиёсий картаси, махсус стендларда плакат ва шиорлар кўзга ташланади. Стол устида марксизм-ленинизм назарияси, унинг таркибий қисми бўлган фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм асосларига оид асарлар. Хуллас, пропагандист ва тингловчилар учун ҳамма нарса муҳайё.

Абдулхай Юнусов Тошкентдаги Ўзбекистон трактор йиғув заводининг планлаштириш бўлимида старший инженер-экономист бўлиб ишлайди ва шу заводда пропагандистлик қилади. У ҳар бир темани тушунтираётган пайтда завод ҳаётидан жонли мисоллар келтиради. Бу эса машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишига, ишчиларнинг куч-ғайратини хўжалик экономикасини юксалтириш учун янада кўпроқ сафарбар этишга ёрдам беряпти.

Т. АВВАЛОВ.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Ғарбий Германия ҳарбий мутахассисларининг Канада территориясида — Манитоба вилоятидаги Кэмп Шайло полигони ва Черчилль фортида қурол-яроғларнинг хилма-хил турларини қиш шароитида синаб кўриш ва бундесвер қисмларини ракеталар ҳамда замонавий бошқа ҳарбий техникани ишлатишга ўргатиш юзасидан Канада билан Германия Федератив Республикаси ўртасида битим тузилганлиги тўғрисида шу йил 21 декабрда СССР Ташқи ишлар министрлигида Канаданинг СССРдаги элчиси Р. Фордга баёнот берилди. Битимда, жумладан, «Леонард» типидаги танкларни, танкка қарши ишлатиладиган ҳаракатчан ракета установкаларини, «Влэк брант» ракеталарини, бронетранспортёрларни ва ҳоказоларни синаб кўриш кўзда тутилади.

Баёнотда Канада билан Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳарбий ҳамкорликнинг кучайиб боришига доир бошқа фактлар ҳам келтирилади ва шу муносабат билан қурол-яроғларнинг хилма-хил турларини синаб кўриш учун Канада территориясининг Германия Федератив Республикаси ихтиёрига берилиши иккинчи жаҳон урушининг якунларини ревизия қилишга уринаётган ҳамда шу мақсадда кенг ҳарбий тайёргарлик программасини амалга ошираётган ГФРдаги милитарист ва реваншчи кучларни Канаданинг рағбатлантириши ва қўллаб-қувватлашидан бошқа бир нарса эмаслиги кўрсатиб ўтилади.

Бундай ҳаракатлар, деб таъкидланади баёнотда, халқаро мажбуриятларга хилоф суратда Ғарбий Германияни милитарлаштиришни кучайтиришга ёрдам беради. 1945 йилда Потсдам конференциясида қабул қилинган ва ўша вақтда Канада ҳам қўллаб-қувватлаган қарорлар ана шу халқаро мажбуриятларни Ғарбий Германия зиммасига юклайди.

Совет ҳукумати, дейилади баёнотда, Канада ҳукумати Ғарбий Германия милитаризми ва реваншизмини қайтадан тиклаш сиёсатининг тинчлик иши учун хатарли оқибатларига эътибор беради ва бундай сиёсатни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни кўрмайди, деб умид билдиради.

Элчи баёнотнинг мазмуни Канада ҳукуматига маълум қилинажагини айтди.



Янги йилга саноқли кунлар қолди. Суратда: Шота Руставели кўчасидаги «Радость» магазинида безатилган арча. И. Глауберзон фотоси.

ПОЙТАХТ МАРКАЗИДАГИ АЭРОПОРТ

Москвада жаҳондаги энг йирик аэровокзал пассажирларни қабул қилишга тайёрланмоқда. Аэровокзалнинг ойна, алюминий ва бетондан қад кўтарган икки қаватли биноси ўзининг ҳажми жиҳатидан халқаро Шереметьево аэропорти биносидан катталик қилади.

Ойнадан ясалган бешта кенг эшик вокзал ичкарисига олиб киради. Эшиклардан бирини очамиз. Биринчи қаватда—кенг операция зали.

Кенг зиналар иккинчи қаватга олиб чиқади. У ерда дам олиш, кинофильмлар кўриш, ресторанда овқатланиш мумкин. Электр нури билан ёритилиб туриладиган табло самолётларнинг учиб кетиш вақтини эслатиб туради.

Пассажирларни 45 вертолёт ва юзга яқин автобус Внуково, Шереметьево ва Домодедовога олиб боради. Аэровокзал бир соатда уч минг кишига хизмат кўрсата олади.

Пойтахт марказидаги аэропорт янги йил арафасида ишга туширилади.

(ТАСС мухбири).

Москва.

В. А. ШЧЕКИН



Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, профессор, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Виктор Андреевич Шчекин 23 декабрь куни 76 ёшида вафот этди.

Профессор В. А. Шчекин атоқли чорвадор олимларимизнинг бири эди. У Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёда чорвачиликни ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди.

В. А. Шчекин ўзининг 45 йиллик жамоат ва илмий-педагогик фаолиятининг 25 йилдан ортиқроғини қишлоқ хўжалигида ишлайдиган мутахассислар етиштириш ишига бағишлади. У Тошкент қишлоқ хўжалик институтида 20 йил хизмат қилди. Виктор Андреевич раҳбарлигида 36 та фан кандидати ва докторлари етишиб чиқди, уларнинг ярмидан кўпроғи миллий кадрлардир. В. А. Шчекин 80 дан ортиқ илмий иш ёритди.

Ўзига талабчан, ўртоқларига меҳрибон ва ғамхўр бўлган Виктор Андреевич Тошкент қишлоқ хўжалиги институти профессор-ўқитувчилар состави ва студентлари орасида катта ҳурмат ва обрўга эга эди.

Ажойиб инсон, олим, тарбиячи Виктор Андреевич Шчекининг порлоқ хотираси уни билган ҳамма дўстлари қалбида доимо яшайди.

Бир группа ўртоқлари.

ПЛАНЕТАМИЗДА

АҚШнинг 823 самолёти уриб туширилди

ХАНОЙ, 22 декабрь. (ТАСС). ВИА агентлиги хабар беради: аниқланган маълумотларга қараганда, Вьетнам халқ армиясининг зенитчилари Халонг кўрфази тепасида, Куангнинь вилоятида Американинг яна бир самолётини уриб туширганлар.

Шундай қилиб, Куангнинь, Лангшон ва Хабак вилоятларида Шимолий Вьетнам территорияси тепасида 20 декабрда Американинг олти самолёти уриб туширилган. Шулар орасида учувчисиз битта разведкачи самолёт ҳам бор. Уриб туширилган самолётларнинг учувчилари асир қилиб олинди. Вьетнам Демократик Республикаси территорияси тепасида 1964 йил 5 августдан бери уриб туширилган Америка самолётларининг жами 823 тага етди.

Доминикана Республикасидаги аҳвол

ГАВАНА, 22 декабрь. (ТАСС) Доминикана Республикасида ялпи забастовка бошланиб кетай деб турибди. Пренса Латина агентлиги мухбирининг Санто-Доминигодан хабар беришича, христиан касаба союзларининг конфедерацияси Гариса Годойнинг муваққат ҳукуматига 24 соат ичида «халқ душманлари бўлган барча ҳарбийларни армия раҳбарлигидан олиб ташлансин, деган ультиматумни қўйди. Доминикана механикашлари конфедерацияси, давлат корхоналари ишчилари ва хизматчилари федерацияси, порт ишчилари миллий федерацияси ва қурилиш ишчилари миллий федерацияси ҳам ана шундай талабларни қўйди.

Сантьяго-де-Лос-Кабалье-росдаги қонли воқеалар учун жавобгарлик, дейишди касаба союзлар, демократия ва халқ тараққиётининг ашаддий душманлари бўлган Доминикана армияси реакцион раҳбарларининг позициясини қўллаб-қувватлаётган Америка оккупациячиларининг зиммасига ҳам тушади.

Санто-Доминго кўчаларида сўнгги икки кун давомида норозилик намойишлари ва митинглари бўлиб турди. Мамлакатнинг собиқ президенти Франсиско Кааманьо кеча митингда нутқ сўзлаб, «реакция ҳукуматда мустаҳкам ўрнашиб олишга интилмоқда», деди ва аҳолини ҳушёр бўлишга ҳамда осойишталикка даъват қилди.

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, ҚАҲРАМОН ВЬЕТНАМ!

Прогрессив инсоният Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти тузилганлигининг беш йиллигини кенг нишонламоқда. Барча қитъаларда АҚШнинг агрессиясига қарши ғазабли норозилик овози янграмоқда. Халқлар Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ: Германия Демократик Республикасининг халқ палатаси Америка ҳарбийларининг Вьетнамдаги жинояткорона ҳаракатларини қоралади. Депутатлар резолюция қабул қилиб, унда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан СССР Олий Советининг 9 декабрда қабул қилган баёнотини табрикладилар. «Совет Иттифоқи каби Германия Демократик Республикаси ҳам Вьетнам халқига ёрдам ва мадад кўрсатишни ўзининг муқаддас халқаро бурчи деб ҳисоблайди», — дейилади резолюцияда.

Эркин немис касаба союзлари бирлашмаси бу йил вьетнамлик ватанпарварларга ярим миллион маркалик дори-дармонлар етказиб берди. Германия Демократик Республикасининг корхона ва муассасаларида Вьетнам ватанпарварлари билан бирдамлик фондига маблағ тўплаш давом этмоқда.

ПОЛЬША: «Суверен давлат — Вьетнам Демократик Республикаси территориясига ваҳшийларча ҳужум қилиш тўхтатилсин; Америка қўшинлари Вьетнамдан олиб чиқиб кетилсин; Вьетнам халқига тинчлик ва озодлик берилсин!» — Варшавада бўлиб ўтган митинг қатнашчилари қабул қилган резолюция текстида ана шундай дейилади. Митингда жамоатчиликнинг жуда кўп вакиллари иштирок этдилар.

Варшаваликлар Вьетнам Демократик Республикасининг элчиси До Фат Куангни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. У Вьетнам ватанпарварларининг қаҳрамонларча кураши тўғрисида гапириб берди.

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Пхеньянда ва Хамхинда Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти тузилганлигининг беш йиллиги муносабати билан тантанали мажлислар бўлиб ўтди. Пхеньянда ўтказилган мажлис қатнашчилари Жанубий Вьетнам халқига мурожаатнома текстини яқдиллик билан қабул қилдилар.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ: Монголия пойтахтида бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан нотиқлар Вьетнамда раҳбл уруш олиб ораётган Америка агрессорларини қаҳр-ғазаб билан қоралади. Улар агрессиянинг дарҳол тўхтатилишини ва Америка қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар.

ГРЕЦИЯ: «Америкаликлар, Вьетнамдан жўнаб қолинг!», «Четдан аралашувга йўл қўйилмасин!»,—Афинада Греция жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши ана шундай шиорлар остида ўтди.

ҲИНДИСТОН: Калькутта ўқув юртларининг студентлари АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик билдириб, Америка консулхонаси биноси олдида намойиш ўтказдилар. Консулхона вакилига Вьетнамдан Американинг барча қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қилувчи меморандум топширилди.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ: Қоҳирада Жанубий Вьетнам халқи билан бирдамлик йиғилишида Африка — Осиё бирдамлик ташкилотининг Бош секретари ЮсуфАссибий айтдики, Осиё ва Африка халқлари Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронтининг талабларини қўллаб-қувватлайди ва Вьетнам халқининг галаба қилишига ишонади.

АРГЕНТИНА: Аргентина жамоатчилиги Вьетнам халқи кураши билан бирдамлик халқаро ҳафталигини ўтказмоқда. Буэнос-Айресдаги жуда кўп касаба союз, сиёсий ва студентлар ташкилотлари бирдамлик митинги ўтказдилар.

СУРИЯ: Сурия Бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Иброҳим Махос Сурия Американинг қаҳрамон Вьетнам халқига қарши агрессиясини қоралаб, ўзининг позициясини аниқ белгилаб олди, деди.

ФИНЛЯНДИЯ: Куопио шаҳрида намойиш бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари «Вьетнамга тинчлик берилсин!», «Вьетнам сен ёлғиз эмассан!», «Янкилар, Вьетнамдан жўнаб қолинг!» деган шиорларни баланд овоз билан такрорлаб кўчалардан ўтдилар. (ТАСС).

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БЮДЖЕТИ

НЬЮ-ЙОРК, 22 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1966 йилги бюджет сметасини 121 миллион 567.420 доллар миқдорида тасдиқлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига ҳилоф бўлган тадбирлар учун қонундан ташқари ажратиладиган маблағлар бюджетга киритилганлиги сабабли СССР делегацияси овоз беришда бетараф қолди.

Овоз бериш олдидан совет вакили Е. Н. Макеев Совет Иттифоқи Кореяни бирлаштириш ва тинлаш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комиссиясининг, Фаластинда яраш шартларининг бажарилишини кузатувчи органининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жойлардаги службаларининг харажатларини қоплаш взносларини, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарзлари учун процентларни ва шу қарзларни узиш учун пул тўламайди, деди.

Шунингдек совет делегати ривожланаётган мамлакатларга совет мутахассисларини таклиф этиш ва зарур бўлган совет ускуналари ва материалларини заказ қилиш учун реал имкониятларни бериш мақсадида 1966 йилда техника ёрдами программасига қўшиладиган ўз взносини СССР чет эл валютасида эмас, балки совет валютасида тўлайди, деди.

ДАГОМЕЯДА ЯНА ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ

КОТОНУ, 22 декабрь. (ТАСС) Дагомея Республикасида бугун тонгда яна давлат тўнтариши бўлди. Генерал Кристоф Согло бошлиқ армия қўмондонлиги мамлакатда ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Генерал Согло эрталаб радио орқали сўзлаган нутқида миллат мажлиси, барча сиёсий партиялар, шаҳар ва район ҳокимиятлари ишларини тарқатиб юборилганлигини эълон қилди. 1964 йилги конституция ўз кучини йўқотади.

Согло ўз нутқида мамлакатнинг собиқ президенти ва вице-президентининг истеъфо берганлигини мамлакат ички сиёсий ҳаётидаги кескин тўқнашувларга чек қўймади, шу сабабли армия ҳокимиятни вақтинча ўз қўлига олишга мажбур бўлди, деди.

ҚОҲИРА ТОМОШАБИНЛАРИ ЎЗБЕК АРТИСТЛАРИНИ КУТМОҚДАЛАР

ҚОҲИРА, 22 декабрь. ТАСС. мухбири **В. Дуганов** хабар беради: бу ердаги журналистлар ва театр ходимлари доираларида санъат, маданият ҳамда театр танқидчилиги арбоблари орасида Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик опера ва балет театрини Бирлашган Араб Республикасига гастролга келишга таклиф этилганлигига зўр эътибор билан қарамоқдалар.

Қоҳира томошабинлари Большой театр труппаси, Моисеев ансамбли, «Баҳор» ансамбли ва бошқа совет рақс коллективларининг Бирлашган Араб Республикасига қилган гастролларини туфайли совет балет ва хореография санъати намуналари билан таништирилар.

Ана шу коллективларнинг Қоҳирадаги барча гастроллари зўр муваффақият билан ўтган эди. Шунинг учун Қоҳирани нинг балет ишқибозлари, шунингдек театр танқидчилари ва санъат ходимларининг Алишер Навоий номли театр гастролларига зўр қизиқиш билан қараётганлиги бежиз эмас. Қоҳиралик томошабинлар ўзбек санъат усталари труппасининг гастролларига катта умид билан қарамоқдалар. Театр спектакллари программасига «Оққуш кўли», «Жизель» ва бошқа спектакллар каби традицион классик балетлар киритилса керак, деб кутмоқдалар. Ана шу доирада, Совет Ўзбекистони артистлари гастролларининг муваффақияти Шарқ халқларининг традицион Европа темаларини талқин қилиш ва ижро этиш соҳасида саҳнадаги имкониятлар муваффақиятини ҳам белгилаб беради, деб ишонмоқдалар.

ДОТ ОЛДИДАГИ УЧРАШУВ [1]

ФАН ТУ,
Жанубий Вьетнам ёзувчиси

□ □

Кам билан Сууни қўғирчоқ армияга юбормоқчи эдилар. Отаси фарзандларини қишлоқда қолдиришни сўраб, маҳаллий бошлиқлар остонасига бош қўйди. Маъмурлар чолнинг фарзандларидан фақат бирини армияга олишга розилик бериб, «меҳрибончилик» қилишди.

Суу армияга боради, бу вақт ичида Кам партизанлар билан алоқа ўрнатиб, иккаласининг ҳам ўрмонга кетиши учун тайёргарлик кўриши тўғрисида бир фикрга келиб олишди. Кам бу режанинг биринчи қисмини амалга оширди. У уйимиз ёниб кетди, отам ўлим тўшагида ётибди, онам ҳам оғир касал, деб Сууга бир неча марта хат ёзди. Бу эса ҳамма нарса тахт—келавер, деган маънони биларди. Лекин хатлар жавобсиз қолди. Кам сирнинг очилиб қолишидан қўрқиб, бир гуруҳ ёшлар билан озод қилинган районга қараб жўнади.

Унасининг ўзига ўқ отишини, у эса ўз укаси Суунинг қўлини боғлашини Кам хаёлига ҳам келтирмаганди. Кам шу ҳақда ўйларкан, бутун вужудини тер босиб кетди. Укам бизга қараб ўқ отдими?—деб сўрарди ўз-ўзидан. Ҳужум вақтида икки жангчимиз ўлдирилди, 6 киши оғир ярадор бўлди. Наҳотки Суу бизникиларга қарата ўқ отган бўлса?

Суу, Суу... Наҳотки шундай қилган бўлсанг? Камнинг кўзига беихтиёр ёш келди. У жангчилар олдидан четлашиб, ўзини дарахт орқасига панага олди ва кўз ёшлари тийилгунча ўша ерда турди.

Суу партизанлар ўлжага олинган машинанинг гилдирагини алмаштиришаётганини хотиржам томоша қилиб турарди.

— Бу ерда нима қилиб турибсан? — деди Кам жаҳли чиқиб.—Қани, тезда асирлар олдига жўна. Е бу ерни ўз уйим деб ўйлаяпсанми? Жўна!

Суу бошини қуйи солди. Унинг думалоқ юзларида қон қотиб қолган эди.

— Енингда қолишга рухсат эт. Командир билан ҳам гаплашдим.

— Яна нима дейсан?..

— Енингга қолишга рухсат эт,—деди Суу шошилиб, гўё гапини тугатмай туриб уни олиб кетишларидан қўрқаётгандек. — Сен билан бирга, ёнингда жанг қиламан. Қандай қийналганимни билсанг эди. Бу ифлос формани кийиб юриш нақадар уят. Менга ишонавер, агар ишончингий оқламасам, мени ўзинг отиб ташла. Бу формадан қутулишга кўп уриниб кўрдим, иложи бўлмади. Кейин, ўзинг ҳам айбдорсан. Революционерлар билан алоқа ўрнатганингдан сўнг бирга кетиш тўғрисида келишиб олган эдик-ку. Сен эса, Кам ўзинг жўнаб қолибсан.

— Нима, яна айбни менга тўнкамоқчимисан! Сенга бирин-кетин тўртта хат ёздим. Сен эса келишни ҳам ўйламадинг. Эҳтимол адресингни нотўғри ёзгандирман. Ёд биламан, айтиб беришим мумкин. К. В. С. 4352, сенинг шахсий номеринг — 297508. Ёки адашибманми?

— Тўғри бу менинг адресим. Лекин қўғирчоқ армияга янги олинган кишиларга келган хатни бермаслигларини билмайдиганга ўхшайсан. Келган хатларни дивизия штабида ёқиб юборишади. Олдимга борганингда ёки ишончли одамдан хат бериб юборганингда буидай бўлмас эди.

Кам ҳайрон бўлиб қолди. У ҳеч нарса демади.

— Сен шу ердамисан, — бирданига Камнинг орқасидан группа командирининг овози эшитилди,—йигитча, сен ҳали ҳам шу ердамисан?—Ўртоқ Кам, бу солдат озодлик армияси жангчилари қаторига қўшилиш истагини билдирди. Бу йигитни танимайсанми?

— Бу менинг укам Суу бўлади. Мен сизга айтган эдим-ку.

— Шундаймн?.. Ростдан ҳам ўхшар экансизлар. Унинг илтимосини рота командирига етказдим. Командирнинг жавобини кутиш керак. Ўртоқ Кам, унга йўлни кўрсатиб қўй, ювиниб келсин.

Кам уни ирмоқ томонга бошлади. Халтасини ечиб, ундан хотира сифатида сақлаб юрган катак кўйлагини олди. Бу кўйлакни ака-ука навбатма-навбат кийишарди. Лекин кўйлакни Суута беришдан олдин Кам укасига жиддийлик билан қаради.

—Бугун тунда ўқ отдингми?—деб сўради.

— Ҳа, отдим.

—Нега отдинг, кимга отдинг?

— Мен автомашинани қўриқлаётган эдим. Ўша ўзинг кўрган автомашинани. Кабинага кириб олиб, ухлаётган эдим. Қандайдир портлашдан уйғониб кетдим. Шундан кейин машинанинг тагига кириб беркинib олдим. Отишма бошланиб кетди. Постга партизанлар ҳужум қилаётганини тушундим. Шу пайт хаёлимга машинани ишдан чиқариб қўйиш керак, деган фикр келди. Американик машинага чиқиб, қочиб қолмасин, деб ўқ отиб, шинани тешиб қўйдим. Буни командирга ҳам айтдим. У шинани ва ўқдонимни текшириб, гапимнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилди.

— Ундай бўлса ёнимизда қолишингга рухсат беришса керак,—деб жавоб берди Кам. — Бирга жанг қилсак жуда соз бўлади-да.

Кам сабри чидамай, укасининг қулоғига шипшиди:—юмандиримиз ўртоқ Лук ажойиб йигит. Айниқса ёшларга яхши муомала қилади.—У укасини ўз ўртоқлари томон бошлади.

(АПН).

[1] Боши газетанинг 23 декабрь сонида.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд областларида қор ёғади. Тошкент, Сирдарё ва Жанубий Бухоро областларида, Фарғона водийсида деярли ёғингарчилик бўлмайди. Республиканинг бошқа районларида ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамол оқими ўзгариб туради.

Республиканинг шимолий районларида кечаси 5-10, кундузи 0-3 даража совуқ бўлади.

Тошкентда ҳаво булут бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. 0-2 даража совуқ бўлади.

Редактор ўринбосари
Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

24 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.30, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика. 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 8.25 — Қўшиқлар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Халқ куйлари. 10.10 — Камер асарлар. 11.10 — «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали. 11.30 —И. Акбаров. Эпик поэма. 12.15— Концерт. 12.50 — Фан ва практика ҳамкорлиги (рус.). 13.00—Чорвадорлар учун. 13.40—Енгил куйлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 16.15 — К. Данькевич асарларидан концерт. 17.00 —Эстрада куйлари. 18.10 — Симфоник мақом. 18.30 — Ўрта Осиё республикаларн қўшиқлари. 19.20 —Социализм мамлакатлари куйлари. 20.00 — Бинокорлар янги марралар олдида (рус.). 20.10 — Тамарахоним қўшиқлари. 20.40—«1905 —1907 йилларгаги революция — империализм даврндаги биринчи буржуа-демократик революция». 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.00 — Халқаро темада. 22.10 — Севги қўшиқлари. 22.40 — Ҳаким Назир ҳикоялари. 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари. 23.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Одобли бўлинг** (болалар учун). 18.50 — КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олайлик. «**Ильич**» колхозининг бир куни. 19.05 — **Ватандан узоқда** (бадиий фильм).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Қизиқарли учрашувлар** (спорт эшиттириши), 21.40 — **Диққат билан кузатиш** (илмий-оммабоп фильм). 21.50 — **Реклама ва эълонлар**, 22.10 — **Ёш музикачилар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Нарсалар ҳикояси, Шиша ва кўзгу** (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — **Тошкент янгиликлари**, 18.45 — **Граф Нулин** (бир актёр ижросида). 19.10 — **Угил** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Рассомлар ижодида пахтакорлар образи**, 21.00 — **Тошкент янгиликлари**, 21.10 — **Содиқ дўстимиз** (телефильм). 21.55 — **Хореография ҳақида.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/XII да **Подшо қайлиғи**, 25/XII да **Боғчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/XII да **Биринчи муҳаббат**, 25/XII **Уғирланган умр.**

КИНО

Итальянча ниноҳ—«МИР» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ИСКРА» (кундуз соат 3 ва кеч 7-40 минутда), «МОСКВА» (кеч 9-40 минутда).

Ганга ва Жамна (ўзбек тилида)—НАВОИЙ номли (кундуз соат 3 ва кеч 7-40 минутда), «МОСКВА» (кеч 9-40 минутда).

Алдаркўса — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Бир қотилнинг тафсилоти — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ИСКРА» (кундуз соат 5 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 5 да).

Поезддаги кишилар — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 9-45 минутда).

Вильгельм Телль — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 5 гача).

Янги йил арчалари уюштирганда ЁНҒИНДАН САҚЛАНИШ қоидаларини унутманг!



Бу қоидаларнинг бажарилиши учун, янги йил кечалари ўтказиладиган мактаб, болалар боғчалари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг раҳбарлари жавобгардир.

Эсда тутиш керакки, арча бинонинг фақат биринчи ёки иккинчи қаватида ўрнатилади. Шу билан бирга арча ўрнатиладиган хонада камида икки чиқиш йўли ва зинапоя бўлиши лозим.

Арчанинг шохлари шифт ва деворга тегмаслиги керак. Арча ўрнатилган хонадан гилам, поёндоз ва шолчалар олиб қўйилади.

Арча фақат электр чироқлари билан ёритилади ва бу чироқларнинг кучи 24 вольтдан ошмаслиги керак. Кетма-кет уланган ва ҳар қайсиси 12 вольтдан ошмаган рангба-ранг чироқлар чамбарагидан ҳам фойдаланиш мумкин. Симларни изоляция қилиш, уланган жойларини навбарлаш керак. Электр шчитига фақат заводда таёрланган предохранитель қўйилади.

Арчани электр билан ёритиб бўлмаса, болалар унга фақат кундуз кунлари қўйилади.

Арчани безаганда, ўт ўчиргич ва сув шайлаб қўйишни унутманг. Ҳамма эшиклар осонгина очиладиган бўлсин, шуни текширинг. Чиқиш йўлларида эса нарбатчилар кузатувчилик қилсин. Телефон аппарати ёнига яқиндаги ўт ўчириш командаси ёки ўт ўчириш дружинасининг телефон номери кўрсатилган лавҳа осилади.

Арчани бертолет тузи, ўтдан сақлайдиган дори шимдирилмаган пахта, шунингдек тез аланғаланувчи ўйинчоқлар билан безаш ярамайди.

Шам, мушак, бенгаль ўтлари, «хлопушкалар» ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин, шунинг учун улардан фойдаланмаслик лозим.

Ёнғин чиқиш эҳтимоли учун деб, болаларни байрам кечасидан мумкин қадар тезроқ олиб чиқиш йўлларини режалаш ва байрам ташкил қилувчиларни ўша чоралар билан таништириш зарур.

Муассасаларда арча уюштирувчилар янги йил кечасини ташкил қилиш жойи ва тартиби тўғрисида ёнғин назорати органлари билан келишиб олишлари лозим.

Арча материалларини ўтдан сақлайдиган воситалар билан дорилаш ҳақидаги инструкцияни ва химиявий моддаларни қўлгилли ўт ўчириш жамиятларидан олиш мумкин.

Болалар арча байрамига хусусий квартирада тўпланса, уларни ҳушёрлик билан кузатиб туриш лозим. Бу ҳолда ҳам, юқорида кўрсатилган қоидаларга риоя қилиш керак.

УЗБЕКИСТОН КУНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРИ



Югославияда энг яхши қушиқчи у ижро этган ашула пластинкасининг сотилиш миқдорига қараб белгиланиб, «Олтин пластинка» медали билан мукофотланар экан. Чапдаги суратда «Анжелика» қушиғини ижро этиб олтин медаль олишга муваффақ бўлган Югославия эстрада ансамблининг қўшиқчиси Радмила Караклаич, ўнгдаги суратда ансамблнинг ёш хонандаси Мики Ефремович.

Л. Глауберзон фотоси.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 300. ИНДЕКС 64543. Р. 11840.